

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03./05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВА ЛОБАР ШЕРБАЕВНА

**XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМАЛИЙ
САНЪАТИ**

17.00.04 - Тасвирий ва амалий безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

УДК: 7.74.745/749 (09)(575,1)(043.3)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD)**

Шукурова Лобар Шербаевна

XVIII аср ўрталари – XX аср бошларида Бухоро амалий санъати..... 3

Шукурова Лобар Шербаевна

Бухарское прикладное искусство середины XVIII - начала XX веков..... 25

Shukurova Lobar Sherbayevna

Bukhara applied art in the middle of the XVIII early XX centuries 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03./05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВА ЛОБАР ШЕРБАЕВНА

**XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМАЛИЙ
САНЪАТИ**

17.00.04 - Тасвирий ва амалий безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2. PhD /San.118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.namdu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиева Сурайё Шариповна
санъатшунослик фанлари доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Хакимов Акбар Абдуллаевич
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Машариб Сайдаматович
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03./05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 22 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998-69) 227-85-01; факс: (99869) 227-85-02; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (630 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2021 йил 10 декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил 10 декабридаги 1 рақамли реестр баённомаси)


С. Т. Турғунов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
М.А.Асқарова
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий
кенгаш Илмий котиби, педагогика бўйича
фалсафа доктори (PhD)
Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон санъатшунослигида миллий маданий мерос, айниқса халқ амалий санъати, унинг тарихий шаклланиш жараёнлари, қадимий анъана ва қадриятлари, ўзига хос бадий хусусиятлари ва уларни асраб авайлаш, бойитиб бориш ҳамда нодир дурдоналарини кенг тарғиб қилиш долзарб вазифалардан биридир. Бадий безак санъати ҳар бир даврнинг ва халқнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Шунингдек, амалий санъат кўп асрлик тарихга эга бўлиб, ҳар бир миллатнинг ифтихори ҳисобланмоқда. Маданий мерос ва анъаналарнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий безак санъати, унинг тадрижий ривожланиши ҳамда ўзига хос хусусиятларининг илмий тадқиқи соҳа ривожда амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунёда турли миллат ва халқлар амалий санъатининг ижтимоий-маданий аҳамияти, ривожланиш жараёнларини ўрганиш ва уни сақлаш долзарб масалага айланмоқда. Инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлган бадий тафаккур ва шунга мувофиқ бадий-ижодий фаолият инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида катта аҳамиятга эга бўлиб, дунё маданиятининг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати ҳар бир халқнинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожда алоҳида аҳамият касб этади. Санъат тарихида амалий санъатнинг пайдо бўлиши – цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам ҳисобланади. Шу боис, амалий санъатни бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши дунё мамлакатларида миллий ўзликни сақлаб қолиш, жамиятнинг маънавий маданиятини юксалтириш ҳамда унинг туристик жозибадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда.

Республикамизда янги Ўзбекистонни барпо этишда халқнинг анъанавий, бадий қадриятларига бўлган янгича қараш амалий санъатнинг барча турларини тадқиқ қилиш ҳамда маданий мерос, санъатшунослик, туризм соҳасини ривожлантиришга устивор вазифа сифатида қаралмоқда. Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларга бетакрор халқ амалий санъати намуналари, маданий мерос, обидаларимизнинг тарихи, уларда қўлланилган безак санъатининг яратилиш сирлари ҳақидаги кенг тушунчаларни бериш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, халқ амалий безак санъатининг йўқолиб бораётган турлари ва Бухоро амалий безак санъати мактаблари услубларини, маҳаллий хусусиятларини қўллаш, амалий санъатнинг унутилиб борилаётган жиҳатларини сақлаб қолиш амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон, 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон, 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва

Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2980 сон, 2020 йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4688 сон, 2019 йил 19 мартда ўтказилган Президент видеоселектор мажлисида илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ва 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси¹ ҳамда бошқа бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада Бухоро санъатининг амирлик даврига оид амалий безак санъати турларининг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларини ва бадий услубларининг ўзига хос жиҳатларини олимлар Г.Пугаченкова², О.Сухарева³, Б.Сергеев⁴, Р.Рассудова⁵, И.Ноткин⁶, Л.Ремпель⁷, Т.Абдуллаев⁸, П.Гончарова⁹,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz, 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // ... - Lex.uz, 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // ... - Lex.uz, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688 – сонли “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори // ... - Lex.uz, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 мартда ўтказилган видеоселектор мажлисининг 12-сонли баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // ... - www.lex.uz.

²Пугаченкова Г., Ремпель Л. Бухара (Узбекистан). - Москва: Академия архитектуры СССР, 1949, - 67 с. Ўша муаллифлар. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. - Ташкент: государственное издательство художественной литературы Узбекистана, 1958. - 292 с.

³Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Историко-этнографические очерки. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. - 145 с.; Ўша муаллиф. Позднефеодальный город Бухара конца XIX - начало XX вв. Ремесленная промышленность. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962. - 194 с.; Ўша муаллиф. Бухара XIX – начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). - Москва: Наука, 1966. – 329 с.

⁴Сергеев Б. Ўзбекистонда мисгарлик. - Тошкент: Ўзадабийнашр, 1960. – 60 с.

⁵Рассудова Р. Ўзбек каштачилик санъати. -Тошкент: ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1961. – 40 б.

⁶Ноткин И.И. Бухоро ганчкорлиги. Уста Ширин Муродовнинг ганчкорлик ишлари. – Ташкент: Ўзадабийнашр, 1961. – 93 б.

⁷Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. - Ташкент: Гослитиздат, 1961. – 606 с., Ўша муаллиф. Далекое и близкое (страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства старой Бухары). - Ташкент: Издательство литературы и искусство имени Гафура Гуляма, 1982. -300 с.

⁸Абдуллаев Т. XIX–XX асрларда ўзбек кандакорлиги. – Тошкент: Фан, 1974. – 128 б.; Ўша муаллиф. Абдуллаев Т., Фахретдинова Д., Ҳакимов А. Маъданга битилган кўшиқ. Ўзбекистон халқ санъати. - Тошкент: Ғ.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 252 б.

⁹Гончарова П.А. Золотошвейное искусство Бухары. - Ташкент: Издательство литературы и искусство имени Гафур Гуляма, 1986.- 112 с.

С.Булатов¹⁰, Д.Мирзаахмедов¹¹ А.Ҳақимов¹², А.Фахретдинова¹³, Қ.Жумаев¹⁴, Б.Бўронов¹⁵, С.Ш.Алиевалар¹⁶ томонидан ўрганилган.

Мустақил давлат ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари олимлари Н.Хаников¹⁷, П.Иванов¹⁸, Е.Мейендорф¹⁹ ишларида Бухоро амирлиги тарихи, этнографияси ва амалий санъатининг баъзи жиҳатларига оид маълумотлар келтирилган.

Хорижий давлатлар олимларидан А.Kyugelgen²⁰, J.Wolff²¹ ва Н.Vamberi²² Бухоро амирлиги даври маиший турмуш тарзига оид ноёб маълумотлар тўплаганлар.

Бироқ, Манғитлар сулоласи даври, яъни Бухоро хонлигининг амирликка айланганидан кейинги вақтларда амалий санъат ҳолати ва ривож, ушбу сулола ҳукмронлигида бадиий безак санъатининг аҳволи санъатшунослик фани нуқтаи назаридан нисбатан кам ўрганилган бўлиб қолмоқда. Ўрта Осиё амалий санъати тарихи, анъана ва истиқболлари хусусида санъатшунос А.Ҳақимовнинг кенг қўламли изланишлари тадқиқ этилаётган давр учун фундаментал асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети Санъатшунослик факультети “Амалий санъат ва рангтасвир” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. XVIII аср ўрталари - XX аср бошларида Бухоро амалий санъатининг асосий ривожланиш босқичлари ва унинг бадиий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

¹⁰Булатов С. Ганчкорлик. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - 80 б., Ўша муаллиф. Ўзбек халқ амалий безак санъати. - Тошкент: Меҳнат, 1991. - 384 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек халқ амалий безак санъати энциклопедияси (накқошлик санъати). - Тошкент: “Фан ва технология”, 2014. - 320 б.

¹¹Мирзаахмедов Д.К. К истории художественной культуры Бухары. Ташкент: Фан, 1990. -158 с

¹²Ҳақимов А. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрда Ўрта Осиё санъати (тасвирий ва амалий санъат). - Тошкент: “Университет” 1995. - 34 б., Ўша муаллиф. Искусство Узбекистана: история и современность. - Ташкент: “San’at”, 2010. - 502 с., Ўша муаллиф. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации. - Ташкент, 2013. - 191 с., Ўша муаллиф. Ўзбекистон Давлат санъат музейи ноёб хазинасидан. - Тошкент: “Baktria Press”, 2014. - 236 б.

¹³Фахретдинова Д. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. - Ташкент: Ўзбекистон, 2000. - 280 с.

¹⁴Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: санъатшунослик фан. ном. ... дисс. - Тошкент. 2003. - 158 б.

¹⁵Бўронов Б.О. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Бухоро тураржой меъморлигида накш санъати: Санъатшунослик фанлари номзоди дисс. ... - Тошкент, 2007. - 141 б.

¹⁶Алиева С. Ш. Художественная поливная керамика Узбекистана IX - начала XXI в. San'at, 2009. - 127 б.

¹⁷Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. - Санкт Петербург: В типографии Императорской Академии наук, 1843. - 246 с.

¹⁸Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI- середина XIX в). Москва: Издательство восточной литературы, 1958. - 251 с.

¹⁹Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару - Москва: “Наука”, 1975. - 180 с.

²⁰Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии магнитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.) - Алматы: Дайк-Пресс, 2004. - 514 с.

²¹Joseph Wolff. “Narrative of a mission to Bokhara, in the years 1843—1845, to ascertain the fate of Colonel Stoddart and Captain Conolly. New York: Harper & Brothers, 83 cliff street, 1845. - 414 p.

²²Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннах тарихи. Китобдан парчалар /Тўп.: С. Аҳмад/. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.- 96 б.

Тадқиқот вазифалари:

Бухоро амирлиги даврида амалий санъатнинг ривожланишига таъсир кўрсатган асосий омилларни аниқлаб, тарихий даврлар кесимида илмий таҳлиллар билан асослаш;

Бухоро амалий санъати кандакорлик, зардўзлик, каштачилик каби турларининг маҳаллий хусусиятлари моҳиятини тизимли равишда очиб бериш орқали унда қўлланилган нақш турларини далиллаш;

амалий санъатнинг меъморчилик билан уйғунлик жиҳатларини асослаш;

Бухоро амалий санъати анъаналарини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро амирлиги даврида амалий санъатнинг ривожланиш босқичлари ва маҳаллий хусусиятларини ўрганиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Бухоро халқ амалий санъати намуналари, шунингдек, Бухоро тарихий меъморий ёдгорликларининг безаклари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий таҳлилнинг тарихий, тавсифий, таснифий, илмий холислик, қиёсий-типологик ҳамда буюмларнинг бадиий таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Бухоро амалий санъати намуналарининг шакли, нақш хусусияти, композицион тузилиши каби бадиий ўзига хосликлари санъатшунослик нуқтаи назаридан ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳунармандчиликка ўтказган салбий ва ижобий таъсири тарихий даврлар кесимида асосланган;

Бухоро амалий санъатини кандакорлик, зардўзлик, каштачилик каби асосий турларининг Афғон, Қарши, Бухоро шакллари, бодомихазоннок, довқур, бутадор композицияси, феруза, жигарранг, яшил, мовий, қизил ранг колоритларига эга маҳаллий хусусиятлари далилланган;

Бухоро амалий санъати билан меъморчиликнинг бадиий уйғунлиги шаҳар тарихий обидаларидаги безакларни санъатшунослик нуқтаи назаридан шарҳлаш орқали асосланган;

Бухоро амалий санъатининг унутилиб кетган анъаналарини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва ижодий ривожлантиришнинг бадиий технологик услублари бўйича амалий санъат соҳа мутахассислари учун Бухоро давлат музей кўриқхонаси кўргазмали залларида 3D форматдаги виртуал саёҳатларни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

Бухоро амирлиги даврида яратилган ноёб ҳунармандчилик ва амалий безак санъати намуналари ҳақида янада тўлиқроқ тавсиф, республикамизнинг турли музей фондларида сақланаётган шу даврга оид кўплаб экспонатлар, меъморий ёдгорликлар безаклари, архив ва ёзма манбалар, усталар ҳақида аввал нашр қилинмаган маълумотлар илмий муомалага киритилган;

Бухоро амирлиги давrigа оид бир қанча машҳур меъморий обидалар фотосуратлари туризмни ривожлантириш ва тарихий иншоотларни дунёга

танитиш мақсадида маҳаллий тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорликда кийимларга туширилган холда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган;

илмий хулосалар ва тавсиялар асосида Бухоро ва Самарқанд Давлат музей қўриқхоналарининг “Санъат ва этнография” ҳамда “Тарих” илмий бўлимлари экспозициялари илмий ва услубий жиҳатдан такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги жаҳон санъатшунослигининг синалган методлари қўлланилганлиги ҳамда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг тарихийлиги, тавсифлаш, шунингдек, қиёсий-типологик таҳлил каби усуллар билан асослангани, таклифлар амалиётга жорий қилиниб, олинган натижалар тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан расмий тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда ўрганилган даврдаги Бухоро амалий санъатининг назарий ва амалий аҳамиятини ёритиб бериш. Диссертациядаги таҳлилий маълумотлар, якуний хулосалар XVIII аср ўрталари - XX аср бошларида, яъни Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро амалий санъатини ўрганиш орқали санъатшуносликнинг методологик имкониятларини кенгайтиради ва кенг омма учун яхлитланган илмий-назарий манбаларни бойитишга яқиндан ёрдам беради. Хусусан, ушбу диссертация иши натижаларидан мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари учун махсус курс бўйича ўқув дастурлари ҳамда қўлланмалар, дарслик ва монографиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юртимиз музейларида ушбу даврга оид экспонатларни каталоглаштириш ва инвентарлаш жараёнида қўллашдан иборат. Шунингдек, Бухоронинг амалий безак санъати, меъморий обидаларини ва анъанавий хунармандчилигини янада ривожлантириш бўйича материал ҳамда тавсиялардан юртимизга янада кўпроқ чет эл сайёҳларини жалб қилиш учун маҳсулотлар тайёрлашда, гид ва экскурсоводлар учун амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XVIII аср ўрталари - XX аср бошларида Бухоро амалий санъати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухоро амалий санъати намуналарининг шакли, нақш хусусияти, композицион тузилиши каби бадиий ўзига хосликлари санъатшунослик нуқтаи назаридан ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг хунармандчиликка ўтказган салбий ва ижобий таъсири тарихий даврлар кесимидаги илмий таҳлиллар ҳамда Бухоро амирлиги даврида яратилган ва ҳозирги кунда Бухоро Давлат музей-қўриқхонасида экспозицияси ва фондларида сақланаётган амалий безак санъати намуналарини илмий жиҳатдан кенг таҳлил қилиниб, экспозициялар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги №05-12-08-2216 сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги

№05-12-08-2215 сонли маълумотномаси). Натижада, ёш авлод онгида Ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга садоқат туйғуларининг кучайишига ва Бухоро амалий санъатини оммалаштиришга хизмат қилган;

Бухоро амалий санъатнинг кандакорлик, зардўзлик, каштачилик каби асосий турларининг маҳаллий хусусиятлари мазмуни бадиий таҳлил қилишга устиворлик бериш орқали тизимли равишда далилланишига доир маълумотлар Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг “Гулдаста”, “Мозий” кўрсатувларида ҳамда “Олтин замин” радиосининг “Қадрият” эшиттиришларида ўтказилган суҳбатларда кенг фойдаланилди. (Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 февралдаги №01-01-85 сонли маълумотномаси). Натижада, кўрсатув ва эшиттиришлар учун қўлланилган илмий ижодий материаллар томошабинларнинг Бухоро амалий санъати ҳақида кенг маълумот олишларига, қадриятларни сақлаш, амалий санъатни янада ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга хизмат қилган;

Бухоро амалий санъати билан меъморчиликнинг бадиий уйғунлиги шаҳар тарихий обидаларидаги безакларни санъатшунослик нуқтаи назаридан шарҳлаш ҳамда Бухоро амалий санъатининг унутилиб кетган анъаналарини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва ижодий ривожлантиришнинг бадиий технологик услубларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 21 майдаги №04/12-1609 сонли маълумотномаси). Натижада, Бухоро амирлиги даврида барпо этилган меъморий обидалар суратлари “CorelDRAW” махсус дастури ёрдамида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида кийимларга тушурилган ва чет элга экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 9 та республика ва 5 та халқаро конференцияда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан 1 та рисола ва 13 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола эълон қилинган. Улардан 8 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Иловаларда атамаларнинг изоҳли луғати, Бухоронинг тарихий қиёфасини акс эттирувчи суратлар ҳамда рангли альбом келтирилган. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XVIII-XX аср бошида Бухорода ижтимоий - сиёсий жараёнлар – Бухоро амалий санъати ривожининг тамойили сифатида”** - деб номланган бўлиб, уч бўлимдан иборат. Мазкур боб Бухоро хонлигининг амирликка айланиши, ҳокимиятнинг мустақамлашиши ва ярим мустамлака ҳолатлари, ушбу жараёнларнинг халқ амалий санъати ҳолати ва ривожланишига таъсир қилган тарихий омилларни аниқлашга бағишланган.

Уни ёритишда Бухоро хонлиги тахтида сулолалар алмашиши ва унинг амирликка айланиши, ўзаро низо ва феодал тарқоқликларга қарийб барҳам берилиб, мамлакатнинг марказлашиши, илм-фан тараққиёти ва ҳарбий салоҳият сустиги сабаб Россия империясига вассал бўлиши каби тарихий жараёнлар инobatга олинган. Хусусан, XVIII–XX аср бошлари Бухоро амалий санъатининг фан нуқтаи-назаридан ўрганилганлиги: унинг илмий таҳлили ёритилган, XVIII аср ўрталарида Бухоро тахтига Манғитлар сулоласи келиши жараёни бўлган, XVIII асрнинг 80-йилларидан XIX асрнинг 60-йилларигача марказлаштириш сиёсати олиб борилган ва амирлик йирик давлатга айланган. XIX асрнинг 60-йилларидан Бухоро амирлиги Россия империяси томонидан вассалга айлантирилиб, 1920 йилга қадар мустамлака ҳолати юз берган. Ушбу қийин даврларда ҳам бадий хунармандчиликда ўзига хос маҳаллий анъаналар ва марказлар шаклланган.

Бобнинг биринчи бўлими **“XVIII–XX аср бошлари Бухоро амалий санъатининг фан нуқтаи-назаридан ўрганилганлиги: унинг илмий таҳлили”** - деб номланган. Асрлар давомида феодал, савдо ва хунармандчилик шаҳри бўлган Бухоро “Буюк ипак йўли”да савдо-сотик билан биргаликда турли миллат ва элат, дин вакиллари илм-фан, ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг бошқа жабҳалари билан боғлиқ янгиликлар муттасил кириб келиши, олтин, кумуш, темир, рух каби қазилма бойликларнинг кўплиги, қулай иқлим ва табиий шароит мавжудлиги ҳеч шубҳасиз мазкур диёрнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий жиҳатдан ва албатта хунармандчиликнинг тез ривожланишида муҳим омил бўлган. Амалий санъат юқори табақа вакиллари ҳаёти ва фаровонлиги даражасига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида сиёсий барқарорлик ва иқтисодий вазиятга боғлиқ бўлган. Бухоро амалий санъати тарихи, бадий хусусиятлари ва жараёнлари ушбу бўлимда таҳлилий тарзда очиб берилган.

Бухоро амалий санъатининг ўзига хослиги, унинг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларнинг айрим жиҳатлари Х.Вамбери, Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, О.Сухарева, И.Ноткин, Б.Сергеев, Р.Рассудова, Т.Абдуллаев, П.Гончарова, Д.Мирзаахмедов, А.Ҳакимов, А.Фахретдинова, Р.Қиличев, О.Кличев ва Д.Алимова каби олимлар томонидан атрофлича таҳлил қилинган. Бугунги кунда эса, Бухоро амалий санъатини ўрганиш замонавий ва инновацион услубий ёндашувни талаб этади. Умуман олганда, бўлимда ёритилганидек XVIII аср ўрталари – XX аср бошида Бухоро амалий санъатининг илмий-назарий таҳлили янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий ва миллий ғояларига мос равишда фанлараро ёндашув ва мезонлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи бўлим **“XVIII аср ўрталари Бухорода ижтимоий-сиёсий вазиятнинг бадий хунармандчилик ривожига таъсири”** деб номланиб, унда Бухоро хунармандчилигининг ривожланиш даражаси сиёсий воқеалар ва тарихий жараёнларга боғлиқлиги баён этилган. XVIII аср биринчи ярмида Аштархоний Абулфайзхоннинг иродасизлиги сабаб феодал тарқоқлик ва ички низолар туфайли хонлик заифлашиб, Эрон шоҳи Нодиршоҳ Ашраф босими остида 1740 йилда ҳокимият Манғитлар сулоласи қўлига ўтиш жараёнида Бухоро амалий санъат турлари нисбатан суст ривожланган. Бу давр амалий санъат ривожига ҳокимият учун кураш, қўшни халқлар ва давлатларнинг талончилик юришлари ўзининг салбий таъсирини ўтказган²³.

XVIII асрнинг иккинчи ярми, Дониёлбий ҳукмронлиги Бухоро учун оғир давр бўлиб, ички низолар мамлакатни заифлаштирган. Оқибатда, амалий санъат ва хунармандлик буюмларига талаб кескин пасайиб, унинг ривожига салбий таъсир қилган. Дониёлбайдан сўнг унинг ўғли Шоҳмурод ўзини “Амир” деб эълон қилиб, илм-фанга ва обидаларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратган²⁴. У ўзаро низоларга чек қўйиб, давлатни марказлаштириб, шаҳарларни гавжумлаштирган ва иқтисодий-маданий аҳвол анча тиклаган²⁵. Унинг ўғли амир Ҳайдар ҳам отасининг сиёсатини изчил давом эттириб, Бухоронинг XIX асрда ҳам ўрта асрлардаги нуфузини сақлаб қолишга эришган²⁶.

Амирлар Шоҳмурод, Ҳайдар ва Насрулло даврида кўпгина мадрасалар бунёд этилган ва уларнинг кўпчилиги ёғоч, ганч ва наққошлик билан безатилган. Фақат мамлакат пойтахти Бухорода эмас, балки бошқа бекликларда ҳам санъат, адабиёт ва меъморчилик соҳаси вакилларининг ижодий фаолияти ривож топган²⁷.

Ҳокимиятнинг мустаҳкамлашиши маданият ва санъат равнақ топишига замин яратган. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср биринчи ярми Бухоро

²³Ҳамид Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1998. – Б.13

²⁴Шуқуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1756-1920 йиллар) : Тарих фанлари номзоди дисс. ...автореф.; – Тошкент, 2006. – Б. 14

²⁵Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. - Тошкент: Академнашр, 2017. - Б. 258

²⁶Асророва Л.Қ. Бухоро мадрасалари тарихидан. - Тошкент: Ҳилол нашр, 2016. –Б. 54

²⁷Холназарова Л.С. XIX-XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида китобат ва кутубхоначилик тарихи: тарих фанлари номзоди дисс. ... – Тошкент, 2011. –Б. 24

амалий санъати энг ривож топган давр сифатида тарихга кирган. Бухорода сопол буюмлар, гиламлар, турфа хил рангли кандакорлик буюмлари, соф ипакдан тикилган сўзаналар, ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналари, шишага нақш туширилган идишлар, тошқоғоз ва миниатюра, чармдан тайёрланган пойабзаллар, айниқса, қимматбаҳо зардўзлик санъати дурдоналари яратилган²⁸.

Мазкур бобнинг учинчи бўлими **“XIX аср 60-йилларидан 1920 йилга қадар Бухоро амирлигида халқ амалий санъатининг ҳолати”** – деб номланган. Амир Музаффар (1860-1885 йй.) ҳукмронлик даври унинг давлат бошқарувидаги оқсоқлиги Бухоро давлати ҳарбий кучларининг Россия империяси кўшинларидан мағлубиятга учрашига олиб келган. Оқибатда мамлакат иқтисодий тушкунликка юз тутган. Бу авваламбор уруш асоратлари бўлса, иккинчи томондан Россияга вассалликни тан олиб, катта миқдорда товон тўлаган²⁹. Амирликда барча сарф-харажатлар солиқлар ҳисобидан қопланган, бу эса яна халқ гарданига оғир юк бўлиб тушган. Ўрта Осиё Россия томонидан забт этилганидан сўнг, ўлка Россия империяси учун хом ашё базасига айланиб, ундан катта миқдорда табиий бойликлар олиб кетила бошланган. XIX асрнинг 60-йилларидан рус капитализмининг амирликка қизиқиши кучайиб, Россия фабрикаларида саноат усулида тайёрланган маҳсулотлар маҳаллий бозорни тўлдирган. Бу эса ўз навбатида хунармандчиликнинг инқирозига олиб келган. Лекин, шунга қарамай баъзи хунармандларнинг тадбиркорлиги, замон ва аҳоли талабига мос маҳсулот тайёрлай олишлари натижасида ушбу соҳа авлоддан-авлодга мерос сифатида оилаларда ва уста-шоғирд анъалалари сабаб сақлаб қолинган. Аммо, улар сонининг кескин камайиши, хунармандлар томонидан узоқ даврлар давомида шаклланган кўпгина анъаналар унитилишига сабаб бўлган³⁰.

Россияда заводларида ишланган арзон нархдаги уй-рўзғор буюмлари ва қурилиш материаллари кўп миқдорда кириб келиши, маҳаллий мисгарлар, кандакорлар ва қурол-яроғ ясовчи уста хунармандлар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Уста хунармандлар камхарж ва бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга урғу беришган ва оқибатида XIX аср охирларида металл ўймакорлигида нақш композициялари нисбатан соддалашиб, буюмларда мазмундорлик ва алоҳида ўзига хослик камайган.

Ўз навбатида, XIX асрнинг охирида Россиядан тайёр қурилиш материалларининг (плитка, витраж, лак, эмаллар, ажойиб безакларга эга арматуралар) келтирилиши сабабли қурилиш соҳасида бирмунча тараққиётга эришилган бўлсада, аммо бадий фазилатларни йўқотиш ҳисобига услублар аралашмаси (эkleктика) пайдо бўлган. Бу эса XIX иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ўрта Осиё меъморий безакларида наққошлик, ганч ва ёғоч

²⁸Бухоро хунармандчилиқ зебу зарлари: Безакли альбом / Тўпламни нашрга тайёрловчилар: М.Рахмонова, А.Хамроев, С.Хамроев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 4

²⁹Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми: юридик фанлари номзоди дисс. ... – Тошкент, 2008. – Б. 62.

³⁰Бухоро тарихи масалалари. //мақолалар тўплами// мух. Қосимов Ф.Х. тах. Жумаев А.Ш., Хайитов Ш.А. Бухоро: Бухоро нашр, 1996. –Б. 35

ўймакорлиги услубининг яхлитлигини, унинг бадий моҳиятини таназзул ёқасига олиб келган³¹.

Диссертациянинг “**XVIII аср ўрталари – XX аср бошлари Бухоро амалий санъати асосий турларининг бадий хусусиятлари**” - деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан ташкил топган. Бобнинг “**Бухоро каштачилик мактаби (йирик манзарали ва майда маиший кашталар мисолида)**” - деб номланган биринчи бўлимида Бухоро каштачилиги тарихи, мактабларнинг шаклланиши, тикиш услублари, нақш хусусиятлари ва композицион тузилиши жихатдан ёритилиб, Республикамизнинг музейларида сақланиб келинаётган ўша даврга оид турли хил кашталарга тавсиф берилган.

Ҳар қандай ҳунармандчилик маҳсулотига талаб сарой амалдорлари даражасида бўлиши, ушбу маҳсулотнинг мавқеини ва унга бўлган талабнинг ортишига хизмат қилган. Хусусан, XVIII асрда Бухоронинг “Равгангарон” гузари аҳли Аркдагилар учун буюртма асосида каштали жияк, тасма, чопон ва дўппи тикишган. Амир ва унинг амалдорлари учун эса махсус кашталар тикиб тайёрланган³², балки ушбу омиллар сабабли ҳам Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида каштачилик оммалашган.

Амирликка айлангач тарихан нисбатан қисқа даврда Бухорода ўзига хос хусусиятларни мужассамлаштирган характерли композиция тузилиши, табиий бўёқларни тайёрлаш технологияси ва қўлланилиши, безакларларнинг қадимий нусхаларда *босма, дурўя, ироқи, йўрма* ва *хомдўзи* усулларида тикилиши билан алоҳида ажралиб турадиган йирик каштачилик мактаби пайдо бўлган³³.

Шундай қилиб, каштачилик мактабининг энг қадимги марказлардан бирига айланишига Бухоронинг охириги уч аср давомида пойтахт шаҳар бўлганлиги ижобий таъсир кўрсатган ва улар “Бухоро каштаси” дея аталган. Шу сабабли ҳам ушбу шаҳар маданий ҳаёти амирликнинг қарийб ҳамма ҳудудлари ҳунармандчилик муҳитига ўз таъсирини ўтказган ва уларнинг барчасига (Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент, Қоракўл ва бошқалар) Бухоро санъатининг бир бутун қисми сифатида қаралган.

Бухоро кашталарини ўрганиш учун улар уч гуруҳга ажратилган:

- йирик манзарали кашталар - *сўзана, палак, нимсўзана ёки такияпўш, жойпўш, болинпўш, бугжома* ва бошқалар;

- майда маиший буюмлар – *жойномоз, сандалпўш, дастурхон, рўйпокча, ойна халта, шона халта* ва бошқалар;

- кийимлардаги кашталар – *тўн, камзул, калтача, паранжи, яктак, кўйлак, жияк, каллапўш, дўппи, кулоҳ, рўмол, ковуш, махси, этик* ва бошқалар.

³¹Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. - Ташкент: Гослитиздат, 1961. – С.437

³²Рахматова С., Курбонов Х. Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар. - Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1995. Б. 71.

³³Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: санъатшунослик фан. ном. ... дисс. - Тошкент. 2003. - Б. 34.

Йирик манзарали кашталарнинг марказий майдони “мажнунтол”, “бутагул”, “тўнбарггул”, “дарахт”, “шоҳчагул”, “тувакдаги гул” атрофини ўраб турувчи ўсимликсимон қайтарилувчи мотивли “оба” йўлли ислимий нақшлар билан тикилган. Марказ композицияси атрофини, меҳроблар четини, буюмлар атрофини чегараловчи геометрик ромбчалар “зигзаг”, “жингалалар”, “миандр”, “тўлқин”, “мавж” ва араб ёзувидаги “байт”, “лавҳа”, “оят”, “газал” кўринишидаги арабий ва эски ўзбек ёзувидаги такрорланувчи коллиграфик нақшлар билан безалган. Майда маиший буюмлар ва кийим кашталари эса буюмнинг турига ва ҳажмига қараб асосан ислимий нақшлар билан безатилган.

Каштачилик тарихини ўрганиш ва унинг унутилган турларини қайта жонлантириш мақсадида санъатшунос Арабов Аҳмад Остонович Бухоро каштачилигининг 20 дан ортиқ қадимий тикиш усулларини қайта тиклаган, ҳунарманд Облобердиева Зухро эса Шофиркон каштачилик мактабини қайта тиклаган. Бухоро, Шофиркон ва Ғиждувон каштачилари Тўқсон биби Эгамова, Рухсора Ражабова, Шамсия Каримова, Иқбол Бозоровалар томонидан ушбу ҳунар аъёнларини давом эттирилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими “Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро зардўзлик мактабининг аҳамияти” - деб номланган бўлиб, зардўзлик санъатининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичлари ёритилиб, тикилиш техникаси ва уларни тайёрлашдаги бадий услублар таҳлил қилинган.

XVII аср охири – XIX аср бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий нобарқарорлик туфайли зардўзлик санъатида сусайиш кузатилган. Айниқса, амир Шохмурод ва амир Хайдар ҳашаматсиз, камтар яшаш тарафдори бўлганлиги учун сарой амалдорлари ва зодагонлар ҳам зардўз кийим кийишга жазм қилолмаган³⁴. Шу сабабли бир асрдан ортиқ вақт давомида зардўзлик санъат тури инқироз ёқасига келиб қолган. XIX аср ўрталаридан кейинги ҳукмдор ва амалдорлар даврида зардўзлик яна кенгроқ ривожлана бошлаган³⁵.

Бухоро амирлиги даврига оид зардўзлик буюмларининг асосий қисмини XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида тикилган турли буюмлар ташкил қилади. Манғитлар сулоласи даврида тайёрланган зардўзлик буюмларини шартли равишда иккига ажратиш мумкин: кийим-кечаклар – *тўн (чопон, жома), пойафзал, чалвор, аёллар кўйлаги, камзул, чакмон, белбоғ (миёнбанд), салла, кулоҳ, дўппи, пешонабанд, калтапўшак ва ҳоказалар*, маиший буюмлар – *даури, зинпўш, номоён, жойномоз* ва шу қабилар.

Зардўзлар ўз ишларини *зардўзи-заминдўзи, зардўзи-гулдўзи, зардўзи-бирешимдўзи* ва *зардўзи-пулакчадўзи* каби бир неча қисмга бўлиб тикишган. Геометрик нақшлар зардўзликда кейинги ўринда бўлиб, асосан ислимий нақшлар етакчилик қилади. Улар турли-хил *дастагуллар, япроқлар,*

³⁴Қиличев Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми -XX аср бошида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик: Тарих фанлари номзоди дисс. ... Тошкент, 1997. – Б. 52

³⁵Ремпель Л.И. Далекое и близкое (страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства старой Бухары). –Ташкент: Издательство литературы и искусство имени Гафур Гуляма, 1982. - С. 244

бутоқлар, дарахтлар, шохлар, гулли гулдонлардан иборат. Марварид, бодом, турунж, анор, олча, узум каби мева шаклларида тузилган нақшлар ҳам кўп учрайди. Инсон ёки ҳайвон тасвири зардўзликда деярли учрамайди.

Бухоро зардўзлари тилида гул ва барг нақшлари “гули чорбарг”, “гули шишбарг”, “гули ҳаштбарг”, “лолагул” каби номлар билан аталган. Япроғи саккизтадан ортиқ бўлган гуллар “гули садбарг” - юз япроқли гул ёки “гули кошгарий” - қашқаргул деб аталган. Кенг ҳажмдаги гуллар “гули косагул” ёки “гули қалъаги” дейилган. Барг тури ва сонига қараб: “яккабарг” - дона-дона япроқлар, “дубарг” - жуфт япроқ, “себарг” - учталиқ япроқлар, “барги мажнунбед” - мажнунтол япроғи, “барги шуллукий” – зулуксимон япроқ ва ҳоказолар. “Кўчқор шохи” шаклини эслатувчи “тағалак” усули ҳам кенг қўлланилиб, ундан кашталарнинг орасидаги бўш қолган тағзаминни тўлдиришда фойдаланилган.

Амирлик даврида моҳир зардўзлар асосан эркак кишилар бўлган. Уста зардўз Н.Аминов отаси амир Абдулаҳадхон саройида зардўзлик қилган Аминжон Мажидовнинг хотираларига асосланиб ёзишча, амир саройида ушбу касбни мукамал эгаллаган 300 нафар зардўз фаолият юритган³⁶. Мирзабой, Миржон Али, Мирдўстим, Мачит бесутин, Алоқабандон ва Кўчабоғ маҳаллаларида уста зардўзлар жуда кўп бўлган.

“Бухоро кандакорлик мактаби” - деб номланувчи иккинчи бобнинг учинчи бўлими ушбу санъат тури ривожига асосий босқичлари, услублари, техникаси, нақш хусусиятлари ва кандакорлик буюмларининг таснифланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларга бағишланган.

Кандакорлик буюмлари асосан мисдан ясалиб, уч хил усулда нақшланган: кесма нақш (*бу ясси нақш ёки чуқур “кандакори” нақши деб аталади*), ўйма нақш (*нозик ишланиб, “шабака” деб аталади*) ва сирли бўёк билан безалган нақш (*ёки “минкори”*)³⁷. Бухоро кандакорлигида сариқ ва қизил мисдан *чойжўш, чилкалит, чироқ, сурмадон, ўсмажўшак, гўшковак, мўйчинак, дандонковак, кандоб, яхоб, сархуми, нондон, манқал, қубба, табақи мис, рангдон, қандал, обгардон, гилоф, кашкул, този маъжум, довул, шамдон, микроз, кафгир, сархона* ва бошқа уй-рўзгор буюмларни ишлаган. Кандакорлик буюмлари ясаиш хусусияти, шакл ва фойдаланиш вазифасига кўра икки гуруҳга ажратилган: биринчиси, ҳажмдор идишлар, яъни суюқлик ва бошқа маҳсулотлар солишда ишлатиладиган баланд бўйли *чойдиш, офтоба (обдаста), мис чойнак, чилим, самовар, кўза, коса, челак*, иккинчиси, паст бўйли, ясси юзали идишлар – *дастишўй, лаъли, тобоқ, сархуми, патнис, пичоқ* ва бошқалар.

Бадий безак турларидан “*меҳроб*”, “*мадоҳил*”, “*гардиш*”, “*чаими булбул*”, “*кошин*”, “*ишкалак*”, “*бодом*”, “*бодоми пушти моҳи*”, “*турунж*”, “*ситора*” ва “*кўчқорак*” кабилар кўпроқ қўлланилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода кандакорлик маҳсулотлари шаклнинг мукамаллиги, ундаги бўртма нақшни шакл билан узвий боғлиқлиги жиҳатдан ажралиб

³⁶Аминов Н. Биз зардўзлармиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1981.– Б. 6

³⁷Сергеев Б. Ўзбекистонда мисгарлик. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1960. – Б 9

турган, ўсимликсимон нақшлари эса жуда ихчам ва бежирим ишланган. Ушбу даврда Бухорода 100 га яқин кандакорлар, 400 га яқин мискарлар ижод қилган ва металлсоз ҳунармандларнинг сони мингдан ортиқ бўлган, айниқса, амир Абдулахадхон даврида ҳунармандчилик жуда ривожланган³⁸. XIX асрда яшаб ўтган Уста Маъруф, Мулла Боғир ва Уста Иброҳимлар Бухоронинг моҳир кандакорлари бўлганлар. Уларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам ота-боболари касбини давом эттириб, ўз санъат асарларини бутун жаҳонга намоён этмоқдалар.

“**Бухоро бадий кулолчилиги**” параграфида Бухоро маиший кулолчилигининг ўша даврдаги ривож масалалари тадқиқ этилган. XVIII-XIX асрда Бухоро кулолчилиги янада тараққий этиб, Бухоро ва Ғиждувон кулолчилик мактаблари пайдо бўлган ҳамда сопол буюмларни безашнинг ўзига хос услублари вужудга келган. Бухоро кулолчилик мактабида идишлар асосан ишқорий сирда ишланилган бўлиб, мовий ва қўқ рангларда бўлган. Ғиждувон мактаби эса қўрғошин сирида асосан сариқ, яшил ва жигарранг буюмлар ишлаб чиқарган. Бухоро кулоллари асосан икки хил: сирланмаган катта идишлар ва кундалик турмушда кенг қўлланадиган сирланган майда идишлар тайёрлашган. Асосан хом ашё ва сув сақлашга мўлжалланган хум, кўза, хурмача, тоғора, гулдон, қувур, тувак, кели кабилар сирланмаган ва безак берилмаган. *Лаган, товоқ, пиёла, коса, шокоса, дукки коса, қаймоқдон, офтоба, болалар ўйинчоқлари (хуштак, қўғирчоқ, копток), дастшуй, дўппи тортиладиган сопол қолип* каби уй-рўзғорда кўп ишлатиладиган буюмлар сирланган. Ясалишига кўра ётиқ (ясси) ва тик усулда ишланувчи идишларга ажратилади. Ётиқ идишларга: *лаган, товоқ, коса, пиёла, товоқи калон, миёна товоқ, дўққи коса* ва бошқалар киради. *Хум, хумча, кўза, офтоба, обдаста, қулқулча, чибит кўза, шинни кўза* ва бошқалар эса тик усулда ясаладиган идишлардир.

Бухоро ва Ғиждувон кулолчилигида *хум, кўза, хурмача, пиёла, шокоса, дукки коса, товоқи лабгардон, лаган, кели* каби буюмлар яшаш ривожлашган. Безакларида ўсимликсимон нақшлардан “*жийдагул*”, “*чертак*”, “*маргула*”, “*нўхат*”, “*бута*”, “*бодомча*”, “*гул*”, “*барг*” ва “*гунча*”лар кўп ишлатилади³⁹. Ҳайвонот олами элементларидан эса илонни ифодаловчи нақшлар *мораги дуқатор, мораги (илон изи), мораги гўзанок ва мораги нахуд*, қушларни ифодаловчи нақшлар *думи бургут, мурғи сафид (оқ қуш), бой қуш, қирқоёқ, гули товус, мингоёқ чашми гов* дея номланади. Ой ёки ғилдирак тасвирланган доира шаклидаги анъанавий нақшлар Ғиждувонлик усталар орасида жуда кенг ишлатилган. “*Меҳроб*”, “*ислимий кош*”, “*мадохил*” каби нақшлар меморий безаклардан нусха кўчириш натижасидир.

Бухоро, Ғиждувон кулолчилигининг ёрқин намоёндалари Шарофиддин Ғиждувоний, уста Эргаш, уста Нарзулло Эргашев, уста Муллатош Эргашев, Ибодулло Нарзуллаевлар шуҳрат қозонган. Ҳозирда бу ҳунар Олимжон ва

³⁸ Абдуллаев Т. XIX–XX асрларда ўзбек кандакорлиги. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 54

³⁹ Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана. – Ташкент: Изд-во Акад. Наук Уз, 1961. – С. 25.

Обиджон Нарзуллаев ва Абдувоҳид Каримовлар томонидан давом эттирилмоқда.

Учинчи боб **“XVIII - XX аср бошлари Бухоро меъморий обидаларида амалий санъатнинг ўрни”** - деб номланган. Мазкур боб Бухоро амалий санъати усталарининг меъморий ёдгорликларини безаш жараёнидаги техник усуллари, материаллари ва бадий хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Мазкур бобнинг **“Бухоро ёғоч ўймакорлик санъати”** - деб номланган биринчи бўлимида ёғоч ўймакорлиги бўйича етакчи ўзбек мактабларидан бирининг шаклланиш жараёни тадқиқ қилинган. Бўлимда ёғоч ўймакорлик буюм турлари тавсифи, уларнинг функционал вазифалари, услубий сифатининг намоён бўлиши ва Бухоро ёғоч ўймакорлиги санъатининг нақшлар бўйича ўзига хослигига асосий эътибор қаратилган.

Ёғоч ўймакорлиги меъморчилик ва уй-рўзғор буюмларида кенг қўлланган. Хусусан, XVII асрда барпо этилган Абдуллахон мадрасасининг ўймакори эшиги ҳандасавий ва ислимий нақшларнинг кўпхадли намуналари уйғунлашуви билан алоҳида ажталиб туради. Кўкалдош, Улуғбек, Мир Араб ва Жўйбори Калон мадрасаси эшиклари ҳам ислимий нақшлар билан тўлдирилиб, гириҳнинг ажойиб намуналарини ўзида намоён этган. Ушбу обидалар айвонларининг ўймакори устунлари муқарнаслар билан безатилган бўлиб, Бухоро ёғоч ўймакорлигининг қадимий намуналаридир⁴⁰.

Бухоро усталари *арча, тол, ёнғок, ўрик, гужум, тут, чинор* каби маҳаллий дарахтлардан фойдаланиб, ёғочга нақшни жимжимадор қилиб ўйган холда кўпинча унга кумушсимон ёки олтинсимон тус беришган. Буюмларнинг ўйилган заминини чекма услубда махсус чакич искана қалам билан чакичлаб чиқади. Амирлик тасарруфида бўлган Самарқанддаги Ҳазрати Ҳизр масжиди пешайвонининг 5 та устуни ва Бухородаги Болоховуз масжиди пешайвонининг нақшинкор устунлари Бухоро ёғоч ўймакорлик мактабининг юксак намуналаридир. Болоховуз масжиди айвонидаги устунлар XX аср бошига оид бўлиб, улар ўзига хос нақшинкор, таги турунжсимон (лимон шаклида) кўзаги сифатида ишланиб, тагкурсиларга ўрнатилган, устунлардаги нақшлар бир-бирини такрорламаган. Бухоронинг меъморий обидаларида кўплаб қадимий эшик ва дарвоза намуналари сақланиб қолган. Бухоро Арки, Ситораи Мохи Хосса саройи, Халифа Худойдод ва Болоховуз масжидлари, Чор-минор, Амир Олимхон ва Домулла Ҳасан мадрасалари эшик ва дарвозалари Бухоро ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган.

